

УДК: 619.616:002.8.636

ҲАЙВОНЛАРНИНГ БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Саидов А.А., кичик илмий ходим,
Улуғмурадов А.Д., докторант-изланувчи.

Илмий раҳбар: Рўзимуродов М.А., в.ф.н., катта илмий ходим

Ветеринария илмий-тадқиқот институти [E-mail:nivi@vetgov.uz](mailto:nivi@vetgov.uz), 141500,
Тайлоқ тумани, Ал-Беруний 35-уй, тел:+998666665630)

Summary The article provides information about the chronic infectious disease of brucellosis and the properties of its pathogen. On the safety and distribution of the causative agent of brucellosis in the environment, products of animal origin, as well as on diagnostic methods, control and specific prevention of this disease.

Аннотация В данной статье приведены сведения о хроническом инфекционном заболевании бруцеллёз и свойствах его возбудителя. О сохранности и распространении возбудителя бруцеллёза во внешней среде, продуктах животного происхождения, а также о методах диагностики, борьбы и специфической профилактики с данным заболеванием

Аннотация Мақолада юқумли бруцеллёз касаллиги ва уни қўзғатувчисининг хусусиятлари ҳақида қисқача таъриф берилган. Касаллик қўзғатувчисининг ташқи муҳитга тарқалиши ва юқиши кўрсатилган. Бруцеллёз касаллигининг диагностикаси ёритилгач, асосан касалликни олдини олиш ва бартараф қилишнинг умумий ва специфик чоралари баён қилинган.

Калит сўзлар: *бруцеллёз, бурсит, орхит, АР, КБР, СХР, ПЗР, ИФТ, карантин.*

Бруцеллёз - сурункали тарзда ўтувчи юқумли касаллик бўлиб, у билан барча турдаги чорва моллари, ёввойи ҳайвонлар ва инсонлар касалланади. Шунинг учун бу хавфли касалликка қарши курашиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.

Ҳозирги вақтда ҳайвонлар бруцеллёзи деб аталадиган касаллик Англияда XIX асрнинг бошларида маълум бўлган. У ерда касаллик оммавий тарқалган бўлиб, энг кўринарли белгиси ҳомила ташлаш билан кечган. Инглиз врачлари касаллик сабабларини аниқлаш мақсадида узоқ вақт машаққатли иш олиб боришган. Ниҳоят 1886 йилда инглиз ҳарбий врачлари Брюс “Мальта” ёки “Урта ер денгизи” иситмаси касаллигидан ҳалок бўлган аскарлар талоғидан бруцеллёз қўзғатувчисини микроскоп орқали аниқлаган. У ўз ишини давом эттириб, патологик материаллардан озуқа муҳитига қайта экиб, касаллик қўзғатувчисини ажратиб олган ва уни

микрококк деб атаган. Кейинчалик бу Брюс шарафига бруцелла деб, касаллик эса бруцеллёз деб номланган. Бруцеллёзни ўрганиш тарихида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу янгиликдан сўнг ҳозирги кунгача барча давлатларда ҳайвонлар ва инсонлар бруцеллёзига таълуқли кўплаб текширишлар ўтказилди, кўплаб саволларга аниқликлар киритилди.

Республиканинг эпизоотик ҳолатини кузатадиган бўлсак, ҳайвонлар бруцеллёзи ҳамон муаммоли зооноз касаллик бўлиб келаётгани маълум. Бу касаллик ҳайвонларда ва одамларда учрайди.

Касаллик кенг тарқалиш хусусиятига эга бўлиб, оммавий бола ташлаш, қисир қолиш, маҳсулдорликнинг камайиши, ёш молларнинг яшовчанлигини пасайиши билан характерланиб, баъзан эса клиник белгиларсиз кечади.

Касалликни қўзғатувчиси 0,3-0,5 микронли майда микроблар - Бруцелла гуруҳига киради ва 6 типга бўлинади: булардан энг хавфлиси қўй-эчки бруцелласи - мелитензис деб номланади. Иирик шохли моллар бруцелласи абортус, чўчқалар бруцелласи - суис, неотома - кемурувчилар бруцелласи, овис - қўчқорлар бруцелласи ва канис - итлар бруцелласи. Бундан ташқари, ҳар типни бир неча биотипларга ҳам бўлинади.

Културал-морфологик хусусиятлари бўйича бруцеллалар бир бировидан фарқланмайди. Уларни фақат биохимик ва антигенлик хусусиятлари орқали типизация қилиш мумкин.

Бруцеллалар ташқи муҳит шароитига анча чидамлидир: музлатилган озиқ-овқат маҳсулотида ойлаб яшайди, хом ва яхши пиширилмаган гўштда 30 кунгача, бринза ва пишлоқда 15-40 кунгача, сутда 3-4 кунгача, музлатилган патологик материалда 1,5 йилгача ўзининг яшовчанлигини йўқотмайди, суюқлик муҳитида эса 70 даражалик иссиқликда 30 дақиқада ва қайнатилганда дарҳол зарарсизланади.

Табиий шароитда ҳайвонлар бруцеллезни қўзғатувчиси билан зарарланган ем-хашакни, сувни истеъмол қилганда, кўз ва бурун бўшлиғининг шиллиқ пардаси орқали, шунингдек зарарланган тери орқали, ҳамда ҳайвонларни уруглантиришда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилинмаган вақтда касалланади. Энг хавфлиси, касал моллар бола ташлаш вақтида ўзидан кўп миқдорда бруцелла микробларини ташқи муҳитга ажратиб, ем-хашак, сув, чорвачилик асбоб-ускуналарини зарарлантиради.

Шунинг учун, касал моллар ўз вақтида подадан ажратилиши ва унга қарши махсус ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилиши зарур.

Бруцеллёз касаллигига чалиниш ва унинг тарқалишига асосий сабаб хўжаликларга келтириладиган молларни ветеринария кўригидан тўлиқ ўтказмаслик, улар орасида касал молларнинг бўлиши, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бир подадан иккинчисига ўтказилиши ва ниҳоят мол бозорларида касал моллар билан савдо-сотиқ қилинишидир.

Касаллик қўзғатувчиси, организмга тушгандан кейин яшаши ва қўпайиши натижасида лимфа тугунларига, елинга ва паренхиматоз органларга жойлашиб, кенг миқдорда тарқалади. Қўзғатувчи бачадоннинг шиллиқ пардасида ўзига энг қулай шароитни топади ва ривожланиш натижасида бола ташлашгача олиб келади. Бруцеллэз билан касалланган сигир ва ғуножинлар кўпинча 5-7 ойлик буғозлик даврида бола ташлайди.

Касаллик кўпинча клиник белгисиз ўтади, лекин асосий клиник белгиларидан 5-7 ойлик буғозлик даврида бола ташлаш, бурсит, бука ва қўчқорларда орхит белгилари ҳисобланади. Касалликнинг яширин даври бир ой ва ундан ҳам кўпроқ бўлади.

Бруцеллэз касаллигининг эпизоотологиясини чуқур ўрганишда шу маълум бўлдики, унга қарши курашда касалликни ўз вақтида ташхис қилиш катта аҳамиятга эга. Лекин касалликнинг ҳайвонларда ўзига хос кечиши уни диагностикасини қийинлаштиради. Шунинг учун илм-фан мавжуд диагностик воситаларни ва усуллариини такомиллаштириш ҳамда янгиларини яратиш устида тинмай изланишда бўлади.

Ҳозирги вақтга келиб, илмий ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланиладиган серологик АР (агглютинация реакцияси), КБР (комплимент боғлаш реакцияси) ва КУБР (комплиментни узоқ боғлаш реакцияси), РБН (розбенгал намуна), СХР (сут ҳалқали реакцияси), ИФТ (иммунофермент таҳдил), ПЗР (полимераза занжирли реакцияси) каби усуллар ёрдамида касалликка ташхис қўйилади.

Бруцеллэз билан касалланган ҳайвонларда диагноз қўйиш учун асос бўладиган характерли ўзгаришлар йўқ. Бола ташлаган вақтларда ҳомила бруцеллэзга бактериологик услубда текширилади. Бола ташлаган ҳайвонлар жигарида некроз ўчоқлари бўлиши мумкин. Баъзан молларда бурсит, гиромма, жигарида абсцесслар бўлиши мумкин.

Бруцеллэз асосан серологик, бактериологик текширишлар натижаларига қараб аниқланади. Ундан ташқари, эпизоотик шароит ва мавжуд клиник белгилар ҳам ҳисобга олинади. Сигир ва ғуножинлар буғозлиги қайси даврда эканлигидан қатъий назар текширилади. Қўй ва эчкилар, туққандан кейин 1,5 ой вақт ўтгач, ҳамма турдаги ёш моллар эса 3-5 ойлигидан бошлаб текширилади. Ҳайвонларнинг чала тугилган болалари дарҳол махсус лабораторияга бактериологик текшириш учун юборилади, ҳам бола ташлаган ҳайвондан қон олиниб серологик услубда текширилади. Лабораторияда бруцелла микроблари ажратилса, касаллик аниқланган деб ҳисобланади. Бундан ташқари, режали равишда қон зардобларини текширишда ҳам касаллик аниқланиши мумкин.

Касаллик борлиги аниқланган жойда карантин эълон қилиниш шарт, ва ветеринария мутахассислари медицина ходимлари билан ҳамкорликда ҳудудни, ферма ва хусусий хўжаликларни бу касалликдан соғломлаштириш режасини асосида иш олиб бориш даркор. Касаллик аниқланган ва соғломлаштирилаётган ҳудуд ва хўжаликларда чорва

моллари ҳар ойда бир марта, қаторасига икки марта салбий натижа олингунга қадар текширилади ва бу ҳайвонлар 6 ойлик назорат муддатига қолдирилиши лозим. Шу муддат давомида икки марта текширилганда касал мол аниқланмаса, ҳудуд, ферма, хўжалик туман ҳокимлигининг қарори билан соғломлаштирилган деб эълон қилинади.

Бу ерда карантин муддатини бекор қилишдан олдин кенг кўламда тозалаш ишлари олиб борилади, дезинфекция қилинади. Ундаги гўнг белгиланган тартибда зарарсизлантирилади.

Дунёда зооноз касалликлар орасида энг кўп тарқалган касалликларидан бири бу - бруцеллёз дир. Шу кунгача кишиларнинг бруцеллёз билан касалланиши бевосита касал ҳайвонлар билан яқин алоқада бўлганда содир бўлади деб ўйлашарди. Ҳозирги кунга келиб эса ҳайвонлар билан умуман ишламайдиган кишилар орасида ҳам касаллик учраши кузатилаяпти. Турли касбдаги, қишлоқда яшовчи ҳамда шаҳарда яшовчи аҳоли ўртасида ҳам бруцеллёз касаллиги аниқланаяпти. Бундан кўриниб турибдики, бруцеллёзга қарши кураш чораларини чорвачиликка етказётган зиён сабабларини йўқотишгагина йўналтириб қолмай, балки инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини касалликдан асрашга қаратиш ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Кўп йиллик эпизоотологик ва эпидемиологик изланишлар шуни кўрсатадики, бруцеллёзни бартараф қилиш катта қийинчилик туғдиради, кўп куч ва харажат талаб қилади, натижада чорвачиликка кўп иқтисодий зарар етади.

Чорвадорларнинг ва жамоатчилик вакилларининг бруцеллёзга қарши курашда фаол, дадил иштирок этишлари учуй улар касалликнинг моҳияти, тарқалиш сабаблари ва омиллари, ҳамда бартараф қилишнинг асосий восита ва услублари ҳақида тушунчага эга бўлишлари шарт.

Соғлом хўжаликнинг бу касалликдан доим ҳоли бўлиши учун ветеринария-санитария маданиятни юқори даражада бўлишини таъминлаш, фермата янгидан келтирилган молларни туман бош ветеринария врачининг рухсати билан 30 кун давомида карантинга қўйиб, махсус текширишдан ўтказилиши шарт, касаллик мавжуд бўлган хўжаликдан соғлом хўжаликка бирор бир нарсани ўтказиш ман қилинмоғи лозим.

Бруцеллёзни олдини олишда фермаларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, дезинфекция ва дератизация тадбирларини ўз вақтида ўтказиш жуда муҳимдир.

Бруцеллёзни олдини олиш ва қарши кураш комплекс чора- тадбирлари ичида махсус воситаларсиз ҳудуд ва хўжаликларда соғлом муҳитни сақлаш, носоғлом хўжаликларни соғломлаштириш жуда қийин.

Хулоса қилиб айтганда, барча хўжаликларни профилактик тадбирлар асосида бу касалликдан тўла озод этиш халқ хўжалик аҳамиятидаги

долзарб масала бўлиб, у чорвачилик иктисодини мустаҳкамлаш билан бирга, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш учун курашиш ҳамдир.

Юқорида баён этилган тартиб-қоидаларга ўз вақтида тўла амал қилингандагина, бруцеллёз касаллигининг пайдо бўлишига ва тарқалишига йўл қўймаган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳайвонлар бруцеллёз касаллигининг диагностикаси бўйича илмий асосланган ТИЗИМ. //Утверждена Государственным ветеринарным комитетом РУз. 2018 г
2. Материалы и методики ФАО/ВОЗ, 2018г.
3. Косилов И. А. Бруцеллёз сельскохозяйственных животных. Новосибирск, 1992 -260 с.

UDK:619:636.2:618

SIGIRLAR REPRODUKTIV XUSUSIYATLARINI STIMULLASHNING ZAMONAVIY USULLARI

Ilmiy rahbar, v.f.d. B.M.Eshburiyev, mustaqil izlanuvchi B.S.Alimov
Самарканд ветеринария медицинаси института

Annotatsiya: Maqolda sigirlar reproduktiv xususiyatlarini stimullashning vositalari va zamonaviy usullari bo'yicha adabiyot ma'lumotlarining taxlili bayon qilingan.

Kalit so'zlar: *follikulastimullovchi (FSG) gormon, tuxumdonlar, progesteron, sariq tana, lyuteinlovchi (LG) gormon, platsenta, endometrit, reproduktiv funksiya.*

Mavzuning dolzarbligi. Xozirgi kunda xorijdan ko'plab olib kelinayotgan mahsuldor sigirlar orasida reproduktiv a'zolar kasalliklari va funksiyalarining buzilishi oqibatida bepustliklarning kuzatilishi sigirlarda mahsuldorlik va ulardan bola olishning kamayishi, yuqori mahsuldor hayvonlardan xo'jalikda foydalanish muddatlarining qisqarishi hisobiga katta iqtisodiy zararga sabab bo'lmoqda.

Adabiyot ma'lumotlarining tahlili shuni ko'rsatadiki, xozirgi kungacha Respublikamiz qoramolchilik fermer xo'jaliklari sharoitida parvarishlanayotgan sigirlar orasida reproduktiv a'zolar kasalliklari va funksiyalarining buzilishi oqibatida kuzatiladigan bepustliklarning etiopatogenezi, ertachi aniqlash, davolash va oldini olishning bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitlariga mos keladigan usullari yetarlicha ishlab chiqilmaganligi xo'jaliklarning iqtisodiy imkoniyatlari, iqlimi va maxalliy sharoitlaridan kelib chiqib samaradorligi yuqori va arzon maxalliy vositalardan foydalanishni keng yo'lga qo'yish ehtiyojini tug'diradi.